Ўзбекистон овози

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

№ 232 (21. 098) 1991 йил 30 ноябрь, шанба • Баҳоси 8 тийин.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

ПРЕЗИДЕНТНИ ХАЛҚ САЙЛАЙДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

«Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг II Пленуми ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг қарорлари билан кўрсатилган Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

2. Ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод гувоҳномаси берилсин.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси
Қ. АҲМЕДОВ.

Марказий сайлов комиссиясининг котиби
М. МАМАТАЗИЗОВ.

Тошкент шаҳри,
25 ноябрь 1991 й.

И. А. КАРИМОВнинг таржимаи ҳоли

Ислом Абдуғаниевич Каримов 1938 йил 30 январь куни Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. Олий маълумотли, Ўрта Осиё политехника илмгоҳи ва Тошкент халқ хўжалиги илмгоҳини битириб, инженер-механик ва иқтисодчи мутахассисликларини эгаллаган, иқтисод фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1960 йилда «Ташсельмаш» заводида мастер ёрдамчилигидан бошлаган. Сўнгра шу жамоада мастер, технолог бўлиб ишлади.

1961 йилдан бошлаб беш йил давомида унинг меҳнат фаолияти В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтди, бу ерда инженер, етакчи инженер-конструктор бўлиб ишлади.

1966 йилда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетига ишга ўтди, бу ерда фан ва янги техникани жорий этиш бўлимининг бош мутахассислигидан республика давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди.

1983 йилда И. А. Каримов Ўзбекистон ССР молия вазири, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

1986 йил декабрида Қашқадарё вилоят партия комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. 1989 йилнинг июнидан бошлаб — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлди. У СССР халқ депутатидир.

1990 йил 24 март куни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида И. А. Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

И. А. Каримов — Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Раисидир.

Уйланган, икки қизи бор. Рафиқаси республика Фанлар академияси Иқтисод илмгоҳида кичик илмий ходим бўлиб ишлайди.

И. А. Каримов Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари ва медаль билан мукофотланган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўртоқ Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов)ни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олиш тўғрисида

«Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига асосан Марказий сайлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон «Эрк» демократик партияси Марказий Кенгашининг қарори билан кўрсатилган ўртоқ Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинсин.

2. Ўртоқ Муҳаммад Солиҳ (Салой Мадаминов)га Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод гувоҳномаси берилсин.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси
Қ. АҲМЕДОВ.

Марказий сайлов комиссиясининг котиби
М. МАМАТАЗИЗОВ.

Тошкент шаҳри,
25 ноябрь 1991 й.

Муҳаммад СОЛИҲ (Салой Мадаминов)нинг таржимаи ҳоли

Муҳаммад Солиҳ 1949 йил 20 декабрда Хоразм вилояти Янгибозор райони, Янгибозор қишлоғида туғилган.

Ўрта мактабни битириб, 1968 йилдан 1970 йилгача Совет Армияси сафида хизмат қилди.

1970-75 йиллари Тошкент дорилфунунининг журналистика факультетини ўқиб тугатди.

1977-1979 йилларда Москвада олий адабий курсларда таҳсил олди.

1988 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасининг котиби бўлиб ишлади. Муҳаммад Солиҳ 1966 йилдан буён шеърий ижод билан шуғулланади. Шу кунгача унинг 12 шеърий ва насрий китоблари чоп этилди. Унинг асарлари араб, турк, инглиз, француз, испан ва дунёнинг бошқа тилларига таржима қилинган.

1986 йилдан бошлаб ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол қатнаша бошлади. Унинг миллий масалалар, тил, маданият, демография, экология ва бошқа долзарб мавзуларда ёзган мақолалари жумҳуриятда каби Иттифоқ нашрларида ҳам чоп этилди ва кенг жамоатчиликнинг эътиборини тортди.

М. Солиҳ «Бирлик» халқ ҳаракатининг асосчиларидан биридир.

1990 йилнинг апрель ойидан бошлаб у «Эрк» демократик партиясининг раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

М. Солиҳ — Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

Уйланган, беш боланинг отаси.

ЭРОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

Эрон ислом республикасининг ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилояти бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси пойтахтига келди.

Эрон ислом республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида делегацияни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси раисининг ўринбосари Т. Е. Шарипов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Шу куни эронлик меҳмонларни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

Делегация аъзолари билан рўй-рост суҳбат чоғида Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинишининг мақсадлари ва вазифалари, республиканинг ҳозирги сиёсий ва иқтисодий аҳволи, ўлка меҳнаткашлари ҳал қилаётган муаммолар, мустақил Ўзбекистон халқининг турмуш даражасини ошириш мақсадида табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақида сўзлаб берилди.

Республиканинг иқтисодий сиёсатига алоҳида эътибор берилди. Ўзбекистон хом ашё етиштирувчи республика эканлиги, яқин келажакда қимматбаҳо хом ашёни тўлатўкис қайта ишлайдиган корхоналар барпо этиладиган, хорижий мамлакатлар илғор технологияси асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ҳолатга эришиш энг муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тўхталиб ўтилди.

Ўзбекистон жаҳондаги барча давлатлар билан, улар эътиқод қилган мафкурадан қатъий назар, иқтисодий алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш учун ҳаракат қилмоқда. Бизнинг мақсадимиз хорижий мамлакатлар, айниқса қўшниларимиз Эрон, Туркия, Покистон ва бошқа мамлакатлар билан бевосита алоқалар ўрнатишдан иборат.

Эрон ислом республикаси ҳам Ўрта Осиёдаги барча мустақил республикалар ва аввало Ўзбекистон билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта аҳамият бермоқда. Шу муносабат билан иккала дав-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ДЕҲҚОН (ФЕРМЕР) ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ЯНАДА МУСТҲАКАМЛАШ ВА РЕСПУБЛИКАДА ИШБИЛАРМОНЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ЙЎЛИ БИЛАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишни кўпайтириш, бозор иқтисодиётининг ёрдамчи соҳаларини жадал вужудга келтириш, деҳқон (фермер) хўжаликларини янада ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароит яратиш ҳамда фуқароларни ишбилармонлик фаолиятига жалб этиш мақсадида:

1. 1992 йилда деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш учун республикада ер фондини барпо этиш тўғрисида Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари уюшмаси билан Деҳқонлар иттифоқининг таклифи қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари 1991 йил 20 декабргача:

Ўз ҳудудларида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари майдонини қисқартириш ҳисобига ана шу мақсад учун ажратиладиган суғорма ерлар ҳажми тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар;

деҳқон (фермер) хўжаликларини ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш учун олдин фуқароларга ажратиб берилган экинзорларни рўйхатга олсинлар, ана шу мақсад учун фойдаланилмаётган участкаларни қайтариб олсинлар ва мазкур фондга топширсинлар;

Вазирлар Маҳкамаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ижроия комитетларининг иштирокида 1992 йил 1 январга қадар мазкур масала юзасидан зарур қарорларни қабул қилсинлар.

2. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

товар озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун деҳқонлар (фермер) хўжаликларига бериладиган ер участкаларининг ҳажмини халқ депутатлари район Кенгашлари ёки уларнинг топшириғига биноан район ижроия комитетлари белгилайди;

Деҳқон (фермер) хўжаликларини ташкил этиш учун ер участкалари кейинчалик ижара муддатини узайтириш ҳуқуқи билан камида 10 йил муддатга ижарага берилади, бунда биринчи навбатда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш учун ер ажратиб берилади;

мазкур фонддан қўшимча равишда ер участкалари биринчи навбатда республика фондига ва эркин сотиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бераётган, шунингдек ердан ва олинган қарздан самарали фойдаланаётган деҳқон (фермер) хўжаликларига ажратилади;

деҳқон (фермер) хўжаликларини етиштирилган маҳсулотнинг камида 50 фоизини шартнома нархларида республика фондига етказиб берганлик учун муқобил сотиш тарзида қишлоқ хўжалик техникаси, ёнилғи-мойлаш материаллари, озуқа ва бошқа ресурслар билан таъминлаш иқтисод комитетига ҳамда моддий-техникавий таъминот идоралари зиммасига юклатилади;

Деҳқон (фермер) хўжаликлари етиштирилган маҳсулотнинг қолган қисмини мустақил тасарруф этишга ҳақлидирлар ва улгуржи ҳамда чакана савдода, давлат ва кооператив корхоналаридан ва ташкилотларидан, шунингдек жамоа ва давлат хўжаликларидан ўз ишлаб чиқариш фаолияти учун моддий-техникавий ресурсларни монеликсиз бемалол сотиб олишлари мумкин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ижроия комитетлари, Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Моддий-техникавий таъминот давлат кооператив комитети, «Узсельхозснабремонт», «Узплодоовощчвинпром» концерни деҳқон (фермер) хўжаликлари учун жойларда қишлоқ хўжалик машиналари, асбоблари ва ускуналарини ижарага берадиган, агрохимия ва ветеринария хизмати кўрсатадиган пунктлар ташкил этсинлар, зотли қорамоллар, уруғлик, кўп йиллик ўсимликлар кўчатларини сотиб олишда уларга кўмаклашсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Ўзбекистон кооператив тайёрлаш ва савдо ташкилоти, «Узплодоовощчвинпром» концерни деҳқон (фермер) хўжаликларидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қабул қилиб олиш учун зарур шарт-шароитни яратсинлар, улар билан олдиндан узоқ муддатли ўзаро манфаатли шартномалар тузсинлар, тайёрлаш пунктлари ва фирма дўконлари тармоқларини кенгайтирсинлар.

5. Деҳқон (фермер) хўжаликлари мустаҳкамланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитни яратиб бераётган жамоа, давлат хўжаликлари ва бошқа қишлоқ

(Давоми иккинчи бетда).

ФЕРМЕРЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИККА— КЕНГ ЙЎЛ

28 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида республикада деҳқон (фермер) хўжаликларини янада мустаҳкамлаш ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларга бағишланган кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов очди. У йиғилганларга жумҳурият раҳбариятининг бу борада режалаштирган тадбирлари ҳақида, фермерлик ва тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириш ҳамда уни қўллаб-қувватлашни кўзда тутувчи Президент фармони лойиҳаси тайёрланганлигини маълум қилди.

Олий Кенгаш иқтисодий ислоҳот, бюджет сиёсати ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Ҳўжаев кенгаш қатнашчиларини фармон лойиҳаси билан таништирди.

— Жумҳурият жиддий қийинчиликларни бошдан кечираётган айни кунларда, — деди Президент, — фермерлик ва тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётимизни яхшилашга қўшадиган ҳиссаси ғоят катта. Жумҳуриятда етиштирилаётган сабзавот маҳсулотларининг 43 фоизи якка хўжаликлар чекига тўғри келади. Ички бозоримизни керакли маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим бўғин бўлган фермерлик ва тадбиркорлик ўз фаолиятида кўпгина қийинчилик ва тўсиқларга дуч келмоқда. Мазкур фармон ана шу тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилади деган умиддамиз.

Шундай ҳужжатнинг дунёга келишига яна бир сабаб шуки, — деб давом этди. И. А. Каримов, — ҳозирги маҳсулотлар тақчиллиги туфайли аҳоли кўпгина қисмининг қўлида пул тўпланиб қолди. Бу пуллар муомалага киритилиб, фойда берадиган ишларга сарф этилмас экан, бундай бойликнинг бугунги кунда унчалик қиймати йўқ.

Пул кундан-кун қадрсизланаётган, жумҳуриятлар ўртасидаги чегаралар очиқ бўлган ҳозирги шароитда жумҳурият аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишнинг, маҳсулотларни жумҳурият ҳудудидан ташқарига ташиб кетиш олдини олишнинг ягона йўли дўконлардан харид қилиш ҳуқуқини берадиган ўзига хос ёрлиқлар — купонлар тартибини жорий қилишдир.

Жумҳуриятимизга четдан маҳсулот келтираётганларнинг йўлидаги ғовларни олиб ташлаб, уларни қўлдан келганча рағбатлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Айрим жойларда маҳаллий раҳбарлар ташкилотлар, кичик корхоналарга, мутасаддилар кишиларга уларнинг қўл остидаги хизматчилар иш ҳақининг оширилишини чеклаб қўяётганликлари тўғрисида шикоятлар келяпти. Баҳоланки, бундай чеклаш бекор этилган. Ҳар бир корхона иш ҳақини ўз имкониятларидан чиқиб белгилашларига эътироз билдирувчи шундай кишиларга нисбатан қатъий чора кўрилиши лозим.

Кенгашда фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорлар, жумҳурият вазирликлари ва идораларининг раҳбарлари сўзга чиқиб, мазкур фармон юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Улар айни пайтда чиқарилган бу фармон фермерлик ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.

И. А. Каримов якунловчи нутқида жумҳуриятдаги биржалар фаолияти ва уларнинг иқтисодиётдаги роли ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. У, жумладан, мазкур фармон кучга кириши биланоқ вазирликлар, барча мутасадди ташкилотлар, маҳаллий раҳбарлар ушбу фармон шартлари ўз вақтида, бекаму-кўст бажарилишини назорат қилиб боришлари зарурлигини таъкидлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов иштирок этдилар.

Ф. НАЗИРОВ.
ЎзТАГ мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

хўжалик корхоналарини ҳамда уларнинг раҳбарларини моддий рағбатлантириш тартибини жорий этиш зарур деб ҳисоблансин, бунинг учун шахсий фойдаланиш ва хизмат мақсадларида фойдаланишга сотиб олиш учун, пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун енгил автомашиналар ва мотоцикллар навбатдан ташқари ажратилсин.

6. Ўзбекистон Деҳқончилик — саноат банкига деҳқон (фермер) хўжаликларига ва шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг эгаларига чорва моллар, парранда, озуқа ва бинокорлик материалларини сотиб олиш учун нақд пул билан қарз беришга рухсат этилсин. Нақд пул билан қарз бериш тартиби тўғрисидаги таклифлар уч кун муддат ичида Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

7. Вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва тармоқ бошқарувининг ўзга идоралари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия комитетлари меҳнаткашларнинг ишбилармонлик фаолиятида фаол иштирок этишларига, ўзларининг хўжалик соҳасидаги ташаббусларини рўёбга чиқаришларига бутун чоралар билан кўмаклашсинлар. Ўзбекистон Ишбилармонлар иттифоқи ва унинг ташкилотлари ўз низомларида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишларида уларга мадад берсинлар.

8. Ишбилармонлик фаолиятининг вужудга келиши ва ривожланишида таъсирчан моддий ва молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ишбилармонликка мадад жамғармаси ташкил этилсин.

Жамғармани шакллантиришга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси заҳирасидан икки миллион сўм пул ажратилсин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Ишбилармонлар Иттифоқи иштирокида бир ҳафта муддатда ишбилармонларга мадад жамғармаси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда хўжалик фаолияти ушбу шаклини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, маблағ тушадиган манбаларни ва улардан фойдаланиш тартибини белгилаб берсин.

9. Ўзбекистон Ишбилармонлар иттифоқи, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Эл» халқаро уюшмаси, Маданият ва умумбашарий қадриятлар халқ академияси, Тошкент иқтисод дорилфунуни, «Тошкент» республика универсал биржаси ва бошқа ташкилотларнинг ёшларни ишбилармонлик фаолиятига жалб этиш билан боғлиқ бўлган ташкилий, ҳуқуқий, ахборот-маслаҳат вазифалари ҳамда ўзга вазифаларни ҳал этишга ёрдам берадиган ёш ишбилармонларга кўмаклашиш Ўзбекистон Республика уюшмасини тузишга доир ташаббуси маъқуллансин.

10. Вазирликлар ва идоралар, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ижроия комитетлари ишбилармонлар бошқа мустақил Республикаларда ва чет элларда энг зарур молларни харид қилиб, кейинчалик уларни Ўзбекистонда сўмга сотишлари учун бевосита шартномалар тузишларини ҳар томонлама рағбатлантирсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлиги ва Ўзбекбирлашув ана шу мақсадлар учун савдо биноларини ажратиб берсинлар, республика банклари зарур миқдорда қарз берсинлар.

1992 — 1993 йилларда республикага халқ истеъмоли молларини четдан олиб келишга доир юқорида кўрсатилган товар айирбошлаш (бартер) ишларини олиб боришдаги чеклашлар бекор қилинсин. Бундай чеклашлар Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 7 мартдаги 97-сонли қарорида (17-банднинг В кичик банди), 1989 йил 10 майдаги 162-сонли қарорида (8-банднинг Г, Д кичик бандлари), 1990 йил 15 январдаги 33-сонли қарорида (биринчи илованинг 26-банди) ва бошқа меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган эди.

11. Ташқи иқтисодий операцияларга доир барча ҳисоб-китоблар, шу жумладан бевосита айрибошлаш операцияларига доир ҳисоб-китоблар Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ёки шу хусусда ваколат берилган бошқа республика банклари орқали амалга оширилиши лозим, деб белгилаб қўйилсин.

12. Ишбилармонлар хорижий шериклар билан ўзаро манфаатли кооперация алоқаларини ўрнатишларида, ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларни чет элга сотишларида, халқ истеъмоли моллари, ўз эҳтиёжлари учун техника ва технология ускуналарини чет элдан келтиришларига ёрдам бериш учун Ўзбекистон Республикаси Ишбилармонлар иттифоқига белгиланган тартибда хўжалик асосида ишлайдиган ташқи савдо ташкилотини тузиб, белгиланган миқдор асосида тижорат-воситачилик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

13. Деҳқон (фермер) хўжаликларини рағбатлантириш ва аввало истеъмол моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида 1992 йилдан бошлаб:

деҳқон (фермер) хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган, халқ истеъмоли моллари тайёрлайдиган, бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган хусусий корхоналар дастлабки икки йилда даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилсин;

Ишбилармонларнинг ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришга ва хайрия мақсадларига сарфлайдиган даромадлари солиқ солишдан холи этилсин.

14. Ўзбекистон Давлат банкига, Ўзбекистон Саноат-қурилиш банкига, Ўзбекистон Деҳқончилик-саноат банкига Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Ўзбекистон Ишбилармонлар иттифоқи ишлаб чиққан ва республика ҳукумати маъқуллаган тармоқ комплекс дастурларини амалга ошириш учун имтиёзли шартлар билан қарз бериш тавсия этилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси:

кичик корхоналарни тузиш, уларнинг фаолияти ва давлат йўли билан уларни рўйхатга олиш тартиби ва хусусий ишбилармонлик тўғрисида[illegible]ларни бир ҳафта муддатда тасдиқласин. Бунда ишбилармонлик фаолиятига асосланган корхоналарни рўйхатга олишнинг асосланган тартиби белгилансин, зарур ҳужжатлар илова қилиниб, ариза берилган кундан бошлаб бундай корхоналар ўн кундан кечиктирмай рўйхатга олинсин. Хусусий шахс мақомини расмийлаштирмай туриб якка тартибдаги ишбилармонлик фаолиятининг қонунларда тақиқланмаган барча турлари билан шуғулланиш ҳуқуқи кенгайтирилсин;

Йигирма кун муддатда деҳқон (фермер) хўжаликларини ва ишбилармонлик фаолиятини жадал ривожлантириш учун ҳуқуқий асосларни таъминлайдиган зарур меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, эскирган меъёрларни қайта кўриб чиқсин ва бекор қилсин, солиқ солиш, банк ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги, корхоналар ва кооперациялар тўғрисидаги республика қонунларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритишга доир таклифларни тайёрласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Олий суди, Олий ҳакамлик суди бошқа манфаатдор идоралар билан бирга хусусий ишбилармонлик фаолияти билан шуғулланганлик учун жиноий жавобгарликни белгилайдиган, мол-мулк эгасининг ҳуқуқларини чеклайдиган қоидаларни амалдаги қонунлардан чиқариб ташлаш тўғрисида бир ой муддатда таклифлар киритсин.

17. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга оширишга доир аниқ ташкилий чораларни кўзда тутувчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 29 ноябрь.

ФАХРИЙЛАР ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАХРИЙЛАРИ II ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ ДЕЛЕГАТЛАРИ ҲАМДА ҚАТНАШЧИЛАРИГА!

Ҳурматли ўртоқлар!

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда барча уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларини чин қалбдан табриклайман!

Республика фахрийлар ташкилотига икки миллиондан ортиқ киши бирлашган. Бу Ўзбекистоннинг жуда катта маънавий бойлиги, республика халқлари жанговар ва меҳнат анъаналари давомийлигининг ажойиб манбаидир.

Сизларнинг халқ хизмати йўлида сарфлаган меҳнатингиз, билимингиз, тажрибангиз ватанпарварликнинг ажойиб намунаси, фуқаролик ва ҳарбийлик бурчига фидокорона ҳамда беғараз хизмат қилишнинг ҳавас қилса арзигулик намунасидир.

Республика меҳнаткашлари сизларнинг қудратли саноат ва кўп тармоқли қишлоқ хўжалигини вужудга келтиришда, Ўзбекистон маданияти, маорифи ва фанини ривожлантиришда қилган ишларингизни юксак қадрлайдилар. Ўзбекистонликларнинг — жанггоҳларда жанг қилган кишиларнинг, байналмилалчи жангчиларнинг шонли жасорати халқ хотирасида абадий сақланади.

Бугунги кунда сиз ўсиб келаётган ёш авлодни энг яхши инсонпарварлик анъаналари, халқлар дўстлиги, юксак маънавийлик ва ахлоқийлик руҳида тарбиялашга, фуқаролик ва миллатлараро тотувлик, барқарорлик, ўзаро ҳурмат муҳитининг жамиятимизда сақланиб қолишига қўшаётган ҳиссангиз беқиёсдир.

Ўз халқига ҳалол хизмат қилган ва хизмат қилаётган фахрийларга чуқур миннатдорчилик билдираман. Республика раҳбарияти бундан кейин ҳам сизларнинг улкан ҳаёт тажрибангизга таянади, катта авлод кишилари манфаатлари ҳамда конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига тўла даражада кафолат бериш учун қўлидан келган барча ишларни амалга оширади.

Сизларга, қадрли ўртоқлар, мустақил ва истиқлол Ўзбекистон Республикасининг қарор топиши ва гуллаб яшнаши йўлида мустаҳкам соғлиқ, руҳий бирдамлик, омон-эсонлик ва узоқ умр тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

1991 йил 29 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

Фахрийлар анжуманидан лавҳалар.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).

САФАРБАРЛИК

29 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларининг II конференцияси бўлди.

Ўзбекистон Фахрийлар ташкилотининг 1987-1991 йиллардаги иши тўғрисида Фахрийлар кенгашининг раиси Р. Ғ. Ғуломов ҳисобот маърузаси қилди.

Кекса авлод вакилларини бирлаштириб турган жамоат ташкилоти тўрт йиллик фаолияти беҳуда ўтмади. Кенгаш, унинг бошланғич ташкилотлари муҳтожларга, кам таъминланган пенсионерлар ва уларнинг оила аъзоларига ёрдам бериш юзасидан собиқадамлик билан иш олиб борганлиги маърузада ва нутқларда таъкидлаб ўтилди. «Ғамхўрлик» деб аталган республика рейди натижасидагина минглаб уруш ва меҳнат фахрийларининг турмуши яхшиланишига эришилди. Аниқ ижтимоий-маиший ёрдамга муҳтожларни бирма-бир ҳисобга олиш бугун ҳам ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмай бу муҳим ишни давом эттиришга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонлари ва республика ҳукуматининг қарорлари фахрийлар ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларнинг манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан кучайратларини бирлаштиришга ёрдам берди.

Ҳозирги вақтда фахрийлар ташкилотлари икки миллиондан ортиқ кишини бирлаштириб турибди. Жамоат ташкилоти ўз ўртоқларига баҳоли қудрат ёрдам беришга қолмай, уларни ижтимоий ва ишлаб чиқариш фаолиятида иштирок этишга сафарбар этмоқда ва кўмаклашмоқда. Бироқ, конференцияда таъкидлаб ўтилганидек, фуқароларнинг ушбу тоифасини турли соҳаларда баҳоли қудрат меҳнат қилишга жалб қилиш учун барча имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти. Бу соҳада маҳаллий Кенгашлар амалий ёрдам беришлари лозим.

Кекса авлод кишиларининг бой ҳаётий тажрибаси, билимли ёшларни тарбиялашда жуда катта аҳамиятга эга. Минглаб фаоллар шу ишга жалб этилган. Республиканинг турли жойларида, фахрийларнинг меҳнат жамоаларида, истиқомат жойларида учрашувлари мунтазам ўтказилмоқда, оқсоқолларнинг асосий сўзлари миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга кўп жиҳатдан кўмаклашмоқда. Ҳарбий хизматга чақирилиш ёшига етмаганлар ва ҳарбий хизматни ўташ жойларида юртдош жангчилар билан ҳарбий-ватанпарварлик ишлари фаол олиб борилмоқда.

Давлатимизнинг инқилобдан кейинги тарихини ўз бошидан кечирган одамлар мамлакатда юз бераётган сиёсий ўзгаришларни ўткир ҳис этмоқдалар. Конференция республика кенгашининг мамлакатимиз тараққиётининг Совет даври тарихий ўтмишини ёппасига қоралаш ва ёмонлашга, Улуғ Октябрь инқилобининг тарихий аҳамиятини қайта идрок этишга уринишга қарши, В. И. Ленининг ролини камситишга, ҳатто уни тарихдан ўчириб ташлашга уринишларга қарши қатъий норозилик каби ижтимоий-сиёсий тадбирларни қўллаб-қувватлади. Мамлакатнинг айрим минтақаларида коммунистларни ёмон отлиққа чиқариб, уларни таъқиб этиш, совет халқининг тарихий ёдгорликларига нисбатан ваҳшийлик, Улуғ Ватан уруши даврида ҳалок бўлган совет жангчилари муқаддас қабрларини таҳқирлаш фактларига фахрийлар рози бўла олмайдилар.

Конференция қатнашчилари фахрийлар ташкилотлари мустақил Ўзбекистонни ривожлантириш учун кўп иш қилишга қодир ва бу ишларни амалга оширади, деб ишонч билдирдилар.

Конференция қатнашчилари ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

У фахрийлар ташкилоти фаолиятига ижобий баҳо бериб, уларнинг ёш авлодни тарбиялашдаги тутган ўрнини алоҳида таъкидлади. Халқ уларнинг республиканинг иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини, уруш йилларидаги жанговар ва меҳнат жасоратини ҳеч қачон унутмайди.

Жамият эндиликда эскича яшай олмайдиган, янги иқтисодий ва сиёсий алоқалар эса эндигина вужудга келаётган пайтда, ўтиш даврининг ҳозирги қийин шароитида жамиятни барқарорлаштириш учун фахрийлар тажрибаси ва донолиги бебаҳодир.

Республика Президенти фахрийларга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, фаол ижтимоий фаолият тилади.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари иттифоқининг Низоми қабул қилинди. Қабул қилинган Низомга мувофиқ делегатлар қарорга ушбу конференцияни фахрийлар ташкилотларининг биринчи қурултойи деб номлаш тўғрисидаги бандни киритдилар.

Делегатлар 29 декабрь куни бўладиган сайловда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашга чақириб мурожаатнома қабул қилдилар.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотининг раҳбар органлари ҳамда уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари Бутуниттифоқ ташкилотининг иккинчи конференциясига делегатлар сайланди.

Р. Ғ. Ғуломов Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари иттифоқи кенгашининг раиси этиб сайланди. Г. И. Скоробогатов кенгаш раисининг биринчи ўринбосари, Б. А. Каипов — масъул котиб этиб сайланди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиясининг протоколи асосида ва «Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 49 ва 54-моддаларига мувофиқ Қарши шаҳрида яшовчи Қашқадарё вилоят Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши ижроия комитетининг раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси, 1991 йил 24 ноябрь куни Қашқадарё вилоятидаги Ғафур Ғулом номидаги 234-сайлов округидан сайланган Турсун Маҳмудович **Каримов**ни Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сифатида рўйхатга олди.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

• Мамлакатда

БУРИЛИШ НУҚТАСИ

● Озарбайжон ва Арманистон республикалари ўртасидаги танг вазият СССР Давлат Кенгаши мажлисида муҳокама этилди. Унда Арманистон ва Озарбайжон Президентлари иштирок этишди.

СССР Президенти Михаил Горбачев учрашувни Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти тевараги даги можарони ҳал этишда бурилиш нуқтаси деб атади.

БОШ ВАЗИР БИЛАН УЧРАШУВ

● СССР ташқи алоқалар вазири Эдуард Шеварднадзе РСФСР раҳбариятининг таклифига биноан Москвага келган Жанубий Уэльс штати бош вазири Николас Грейнер билан учрашди. Бу штат Австралиядаги энг катта штатлардан бири. Суҳбатда икки томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ

● Қирғизистон Президенти маслаҳатчиси А. Саригулов «Қирғизистон сўзи» рўзномасида эълон қилган мақоласида қуйидагиларни маълум қилди: Қирғизистонда тез орада Россия Президентининг яқинда қабул қилган фармонларига ҳамоҳанг қарорлар қабул этилади. Бу билан бозорга ўтиш тезлашади.

• Хорижда

ПЛИСЕЦКАЯ ЛИТВА ФУҚАРОСИ

● Литва Ташқи ишлар вазирлигининг ҳуқуқ бўлими машҳур балет устаси Мая Плисецкая ва унинг турмуш ўртоғи бастакор Родион Шчедрин Литва республикаси фуқаролигини олганликлари ҳақидаги хабарни тасдиқлади. Фуқаролик хусусида Литва Олий Кенгаши ҳайъатининг махсус фармони қабул қилинди.

Мая Плисецкая Литва фуқаролигини бежиз танламади. Унинг онаси Вильнюсда туғилган. Оила аъзолари бундан ташқари шаҳарнинг Тракай районида чорбоғ ҳовли қуришган.

«Литвадаги тартиб-интизомнинг мафтуниман ва бу ерда москвача тартибсизликларни унутишга умид боғлаяпман» деди у. Раққоса шу гапни тез-тез такрорлашни ёқтирар экан.

ПАРИЖГА КЕЛДИ

⊙ Давлатлараро иқтисодиёт комитети раиси Иван Силаев Франция пойтахти Парижга келди. Орли аэропортида у журналистлар саволларига жавоб қайтарди.

Биз берилиши мумкин бўлган қарзлардан аҳолини қиш фаслидан эсон-омон олиб чиқиш ҳамда қишлоқ хўжалигида ўзгартиришлар ўтказиш мақсадида яхши асос сифатида фойдаланишимиз керак, — деди у.

ЭЗТИРОФ

⊙ АҚШ Президенти Жорж Буш Шукрона куни муносабати билан мамлакатга байрам мурожаатномаси йўллади. У кўпгина америкаликлар иқтисодий муаммолар туфайли қийин кунларни бошдан кечираётганини эзтироф этди.

(ТАСС марказий рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УРУШ, МЕҲНАТ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ФАХРИЙЛАРИ БИРИНЧИ ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ

МУРОЖААТНОМАСИ

Барча уруш, меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийларига, меҳнаткашларга, илм-фан ва маданият ходимларига, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабаларига, Ўзбекистон Республикасидаги барча сайловчиларга.

Азиз ўртоқлар!

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси қабул қилган қонунга мувофиқ 1991 йил 29 декабрь куни мустақил ва истиқлол Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайловини ўтказиш белгиланган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган пленуми Республика Президенти лавозимига сайлаш учун ҳозирги Президент, Республика Халқ демократик партиясининг Раиси Ислом Абдуғаниевич Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Кўпгина ташкилотлар ва меҳнат жамоалари бу қарорни фаол қўллаб-қувватладилар.

Биз, уруш, меҳнат ва қуролли кучлар фахрийлари — фахрийлар ташкилоти биринчи қурултойининг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига И. А. Каримов номзоди кўрсатилганлигини якдиллик билан қўллаб-қувватлаймиз, чунки у шу лавозимда турган даврда республикада меҳнат аҳли турмушининг ижтимоий-иқтисодий ва маиший шароитларини яхшилашга, ижтимоий адолатни, Ўзбекистонда яшаётган барча миллатлар ва элатлар тенглиги ҳамда дўстлигини қарор топтиришга қаратилган ижобий ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар юз бераётганлигига, кекса авлодга мансуб кишиларнинг ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида сама рали ғамхўрлик қилинаётганига, ошкоралик, демократия ва ҳуқуқ-тартибот вазияти қарор топаётганига ишонч ҳосил қилдик.

Биз уруш, меҳнат ва Қуролли Кучларнинг барча фахрийларини, ҳамма холис ниятли кишиларни Ўзбекистон Республикаси Президенти умумхалқ сайлови кунида Ислом Абдуғаниевич Каримов учун овоз беришга чақирамиз.

Ўзбекистон Республикаси уруш , меҳнат ва Қуролли Кучлар фахрийлари биринчи қурултойининг қатнашчилари.

АНЖУМАН ҚАТНАШЧИЛАРИ СЎЗЛАЙДИЛАР

Ҳикмат АСАДОВ, Самарқанд ноҳияси, Энгельс номли жамоа хўжалиги, пенсионер:— Биз Ўзбекистон фахрийлари 1991 йил якунланаётган пайтда ўзимизнинг навбатдаги анжуманимизга йиғилдик. Бу учрашувимиз муаммолар кўпайган ва улар оқилона ҳал этилаётган пайтга тўғри келди. Қурултойимизда жумҳурият фахрийлари олдида турган бир қатор вазифалар ҳақида гаплашиб олдик. Очиғини айтганда Ўзбекистонда кексаларга, болаларга етарли ғамхўрлик қилиниши керак. Ҳамма жойда ҳам қийинчилик бор. Буни Ўзбекистон ҳукумати яхши сезиб турибди. Зарур чоралар кўряпти. Эртанги кунга ишончимиз мавжуд.

Шоди НОСИРОВ, Самарқанд шаҳри, пенсионер: — Ҳозирги пайтда кўпчилик кексалар уйда ўтиришибди. Агарда ҳар бир қишлоқ ёки маҳаллада кичик корхоналар бўлганда биз ҳам баҳоли қудрат умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшган бўлур эди. Масаланинг ана шу томонини ҳозирги пайтда пухта ўйлашимиз керак. Бундай корхоналар кўпайса рўзғоримиз бут бўлади.

Тиловмурод УКЕМУРОДОВ, Қораўзак ноҳияси «Москва» жамоа хўжалиги: — Кексаси бор уйнинг зари бор, дейдилар. Нуронийлар ҳурмат ва эътибор қилинишлари лозим. Фақат жумҳурият ҳукумати одил иш олиб боролсагина биринчи навбатда кексалар, ногиронлар, болаларга яхши шафқат кўрсата олади. Буни биз Ўзбекистон ҳаётида яққол сезиб турибмиз.

САФАР ОТАКОВ, Баҳористон ноҳияси меҳнат ва уруш фахрийлари кенгаши раиси: — Мен туркман миллати вакилиман, Ўзбекистонда ҳамма миллат ҳозирда тинч-тотув яшаяпти. Бу тотувликни ёшларимиз тарбиясига синдира билиш керак. Ҳозирги авлод аҳил ва жипслашган бўлса жумҳуриятни жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар сафига чиқара олади.

АБДУЛХАЙ ЖАМОЛОВ, Фарғона ноҳияси «Победа» жамоа хўжалиги: — Уйда аҳиллик, тотувлик бўлса, юртда осойишталик ҳукм суради. Ҳар хил майда-чуйда гапларни йиғиштириш керак. Астойдил ҳалол меҳнат қиладиган замон келди. Мустакилликнинг қадрига ета билишимиз керак.

СОТИМ НУРМАТОВ, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Хоразм вилояти:—Гўзал Хоразмдан кўп отахонлар бу ерга келишди. Ҳаммамизнинг гапимиз бир жойдан чиқяпти. Иқтисодий қийинчиликлар албатта ўтиб кетади. Бу борада кексалар, яъни биз фахрийлар ҳам кўл қовуштириб турмаслигимиз лозим. Ҳамма жойда ёшларга тўғри йўл кўрсатмоғимиз керак.

МУМИН БУРИЕВ, Оҳангарон ноҳияси, уруш қатнашчиси: — Мен 1-Белоруссия фронтида Берлингача бўлган жанг йўлларини босиб ўтганман. Ҳозирги авлодимиз бундай оғир йўлларни кўришмасин. Биз уларнинг омон бўлиши учун доимо дуода бўлайлик. Ҳамманинг бир ёқадан бош чиқариб чинакам ҳаёт лаззатини сурадиган ва меҳнат қиладиган пайти келди.

ИВАН ДУДУРА, Тошкент, уруш ветерани: — Мен 1963 йилдан буён Ўзбекистонда яшаяпман. Ҳаммамиз ҳозирги аҳволни тўғри тушуна билишимиз керак. Анжуманимизда жумҳурият Президенти Ислом Каримовнинг оташин сўзидан ғоятда мамнун бўлдим. У кекса кишиларни жуда ҳам ҳурмат қилар экан. Ислом Каримов замон ва давр талабларига тўла жавоб бера оладиган билимли ва ишбилармон раҳбар. 29 декабрда шахсан мен бажонидил унинг учун иккиланмай овоз бераман, У Президентликка жуда ҳам монанд ва муносиб инсон.

Абдулла ПЎЛАТОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЎТИШ— ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси вице-президенти Ш. Мирсаидов олиб борди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақидаги қонуннинг Уй-жой ва коммунал хўжалиги ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги вазирликларида қандай бажарилаётганлиги масаласи муҳокама этилди.

Мажлисда мазкур вазирликлар Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш да бирмунча ишлар қилганлиги таъкидланди. Айни вақтда уларда Давлат тили ҳақидаги қонун тегишли даражада амалга оширилмаётганлиги, бу борада талай камчилик ва нуқсонлар борлиги айтилди.

Мажлисда Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилишини такомиллаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров шу ҳақда ахборот берди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЭРОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошн биринчи бетда).

латни бир-бири билан боғлайдиган темирйўл ва автомобиль йўллари қуриш зарурлиги ҳақида гапирилди. Бундай дастурларнинг амалга оширилиши савдо алоқаларини анча кенгайтиришга имкон берган, Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган бўлур эди.

И. А. Каримов Эрон раҳбарларига, бутун эрон халқига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилади ва бу истакларни уларга етказишни илтимос қилди.

Делегация бошлиғи Али Акбар Вилояти самимий қабул қилганлиги, ошкора фойдали суҳбат учун Ўзбекистон Президентига миннатдорчилик билдирди ва ҳукумат номидан И. А. Каримовни Эронга боришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Ф. Ғ. Тешабоев, Ўзбекистон Республикаси Иқтисод комитети раиси А. Маҳмудов, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо алоқалари давлат комитетининг раиси У. Т. Султонов қатнашдилар.

Суҳбатда Эрон ислом республикасининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Неъматулло Изодий иштирок этди.

Эронлик меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган вақтларида Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар, республика Фанлар академиясида бўладилар, Бухоро ва Самарқандга сафар қиладилар. (ЎзТАГ).

2—8 ДЕКАБРЬ

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

• Ҳар куни

● 8.25 да **«Соғлом бўлай десангиз»** (шанба ва якшанбадан ташқари, ЎзТВ I).

● 18.00 да **Янгиликлар** (ЎзТВ I).

● 19.30 да рус тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).

● 21.00 да ўзбек тилида **«Ахборот»** программаси (ЎзТВ I).

● 6.00 да **«Тонг»**. Ахборот-мусиқий кўрсатуви (МТ ОРБИТА-IV).

● 12.30 да **ТСН** (шанба ва якшанбадан ташқари), 15.30 да (ҳар куни, МТ ОРБИТА-4 да).

● 21.30 да **«Информацион программа»** (ЎзТВ II ва МТ ОРБИТА—IV программаларида).

• 2, душанба

● **ЎзТВ I**

18.10 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Қувноқлар давраси да». 19.00 «Тадбиркорлар». 19.50 «Дўст билан обод уйинг». 20.20 «Меҳринг туфайли». Муталлибжон Зуҳриддинов ижросида дилрабо қўшиқлар. 21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гавҳар Матёқубова концерти. 22.35 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 1-серия.

● **ЎзТВ II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Ассалому алайкум». 19.30 Тижорат хабарлари. 20.00 «Лаҳза». 20.10 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 20.25 Эстрада концерти. 20.50 «Ўтмишсиз келажак йўқ». 22.05 «Тошкент ноҳияси: бугун ва эртага». 22.45 «Лаҳза». 22.55 «Жўра Саркор». Бадиий фильм.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

9.35 «Бажо келтираман». Фильм-спектакль премьераси. 11.50 Футбол шарҳи. 12.25 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Томдаги тешиклар нега керак?». 12.50 «Марафон-15». 13.50 «Телемикст». 14.35 «Ён дафтар». 14.40 «Бу сизга керакми?». 14.50 «Биржа учувчиси». 15.00 «Бу бўлган, бўлганди...». 15.50 «Мен 54 ёшга тўлганимда». Телевизион бадиий фильм 17.15 Болалар соати (немис тили дарси билан). 18.15 «Бозор қонунларига биноан». 18.45 Футбол шарҳи. 19.15 «Бажо келтираман». Фильм-спектакль премьераси. 22.05 «Муаллифлар ойнаижаҳони». 00.05 Теннис. Дэвис кубоги. Финал. Франция — АҚШ терма командалари. 00.45 «Жовҳар» вокал гуруҳи ижро этади. 01.00 ТСН. 01.15 «ВИД» таништиради: «Мусиқа СПИДга қарши». 02.45 Бал рақслари. «1991 йил жаҳон супер-кубоги».

• 3, сешанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 С. Раҳимов хотира совғини учун грек-рим кураши бўйича Бутуниттифоқ турнири. 9.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 9.50 «Тонг олдида». Бадиий фильм, 1-серия.

18.10 Мультфильм. 18.20 «Меҳр ва мурувват». 18.55 «Дирижёр ҳикоя қилади». 19.50 «Инсон ва қонун» почтасидан. 20.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Аҳмаджон Шукуров куйлайди. 21.25 «Спортлото». 21.30 «Мерос». Юсуф Сарёмий. 23.00 «Тонг олдида». Бадиий фильм, 2-серия.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Куз кундалиги». 19.30 «Оқ йўл!». 20.00 «Пульс». 20.10 «Дўстлик меридиани». 20.40 «Огоҳ бўлинг: СПИД». 22.05 «Кинонигоҳ». 23.55 «Пульс».

● **МТ «ОРБИТА IV»**

Финляндия телевидениеси таништиради:

9.35 «Ойна бўйича дизайнер». Ҳужжатли фильм. 10.00 «Анна Лииса». Бадиий фильм. 11.30 Болалар соати (немис тили дарси билан). 12.45 «Алла». Телефильм премьераси. 14.10 «Телемикст». 14.55 «Ён дафтар». 15.00 «Иқтисодий агентлик». 15.45 Ольга Иванова сабоқлари. 16.00 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм, 1-серия. 17.05 «Болалар мусиқий клуби». 18.05 Мультфильм. 18.15 «Қизиқувчилар олами». 18.30 «Нуқтаи назар». Конверсия муаммолари. 19.00 ТСН. 19.15 «Ялта-91».

Финляндия телевидениеси таништиради:

19.30 «Ойна бўйича дизайнер». Ҳужжатли фильм. 19.55 «Анна Лииса». Телевизион бадиий фильм.

22.05 «Маҳфий уруш». Ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. 23.10 «Космос»даги учрашувлар. Эстрада программалари. 00.45 Халқ куйлари. 01.00 ТСН. 01.15 П. И. Чайковский. «Манфред». Симфония.

• 4, чоршанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 С. Раҳимов хотира совғини учун грек-рим кураши бўйича Бутуниттифоқ турнири. 9.20 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради. 10.05 «Тонг олдида». Бадиий фильм. 2-серия.

18.10 Мультфильм. 18.30 Болалар учун. «Кичкинтой» устахонаси. 18.55 «Жамоат ташкилотларида». 19.45 «Ёшлик оқшоми». 20.30 Ўзбек куйларидан концерт. 21.25 «Камолот сари». Ш. Фозилжонова, У. Алиев. 22.05 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами. 19.20 «Спринт». 19.35 Мусаввир Б. Жалолов. 20.00 «Канадалик киши». Бадиий фильм. 22.05 «02» тўлқинида». 22.20 «Театр учрашувлари».

● **МТ «ОРБИТА IV»**

Финляндия телевидениеси таништиради:

9.35 «Ўрмон ҳайкалтарошлари». Ҳужжатли фильм. 10.05 «Паром». Телевизион бадиий фильм. 11.05 Мультфильм. 11.30 «Болалар мусиқий клуби». 12.45 «Флуераш» халқ куйлари оркестрининг концерти.

14.25 Биржа янгиликлари. 14.40 «Ён дафтар». 14.45 «Шерик». 15.15 «Савдо растаси». 15.45 Камер куйларидан концерт. 16.15 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм, 2-серия. 17.25 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 18.25 «Қизиқувчилар олами». 18.40 Саратовда бўлиб ўтган XIV Бутуниттифоқ телефильмлар фестивалининг совриндор фильмлари. «Пластелин». 19.00 ТСН. 19.15 «Келажак ҳақида хотиралар».

Финляндия телевидениеси таништиради:

20.00 «Ўрмон ҳайкалтарошлари». Ҳужжатли фильм. 20.30 «Паром». Телевизион бадиий фильм.

22.05 «Маҳфий уруш». Ҳужжатли фильм премьераси. 2-фильм. 23.05 А. С. Пушкин номли Давлат тасвирий санъат музейида декабрь оқшомлари. 01.00 ТСН (сурдо таржимаси билан). 01.15 «Жонга роҳат пиво».

• 5, пайшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Дўстлик ришталари». 9.05 «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.

18.10 Мультфильм. 18.25 «Чорвадор». 18.55 «Алифбо сабоқлари». II босқич. 19.50 «Оила». «Ўзбектелефильм премьераси. 20.10 «Давр ва сиёсат». Жумҳурият банклари раҳбарлари билан очиқ мулоқот. 21.25 Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 21.40 Хоразм телевидениеси ва радиоси мақом дастасининг концерти. 22.35 «Мовий тоғлар ёки Ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.30 «Куз кундалиги». 19.30 «Оқ йўл!». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда» кўрсатувининг давоми. 22.05 Биржа янгиликлари. 22.20 «Кинонигоҳ». 23.55 «Пульс».

● **МТ «ОРБИТА IV»**

9.35 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 10.35 «Халқ қушиқларига меҳр-муҳаббат билан». 11.15 Мультфильм. 11.35 «Ҳамдардлик». Телефильм премьераси. 1-фильм. 12.45 ИИВ маълумотларига кўра... 13.00 «Монастирда ўқилган никоҳ». Операдан парчалар.

14.15 «Телемикст». 15.00 «Иқтисодий агентлик». 15.45 «Бугун ва ўша пайтларда». 16.45 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм, 3-серия. 17.25 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.25 ИИВ маълумотларига кўра... 18.40 ТСН. 18.55 «Ибодат» Телефильм премьераси. 20.05 «Айбсизлик презумпцияси» Бадиий фильм. 22.05 Бош муҳаррирлар клуби. 22.55 «Торонтодаги мўъжизалар». Ҳужжатли фильм. 23.15 В. А. Моцарт туғилган кунига бағишланган концерт. 01.00 ТСН. (сурдо таржимаси билан).

• 6, жума

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ахборот». 8.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона» 9.20 «Мовий тоғлар ёки Ҳақиқатдан узоқ воқеа». Бадиий фильм.

18.00 Мультфилм. 18.20 «Яхшидан боғ қолади». 18.50 «Келажагимиз — мактабда». 19.50 «Эсдалик учун дастхат». Ҳожиакбар Нурматов. 20.20 «Маърифатнома». 21.25 Биржа янгиликлари. 21.40 «Аёл қалби наволари». Мусиқий кўрсатув. 22.40 «Пушаймон». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

10.30 Ўқув кўрсатувлари.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

9.35 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.35 «Шалом». «Алия» яҳудийлар мусиқа ансамбли билан учрашув. 11.05 Мультфильмлар. 11.35 «Ҳамдардлик». Телефильм премьераси. 2-фильм. 12.45 «Виктор — Голиб». Ҳужжатли фильм. 14.25 Биржа янгиликлари. 14.55 «Ён дафтар». 15.00 «Бридж». Телебиржа. 15.45 Стадионда концерт. 16.15 «Дон Кихот ва Санчонинг тирикчилиги». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-фильм, 4-серия. 17.25 «Инсон. Табиат. Жамият.» 17.40 «Болалар учун фильм. «Шумтакаларнинг найранглари» 18.50 «Антреприза» студияси таништиради. 19.00 ТСН. 19.15 «Туманлар, кўллар ва анъаналар юрти» (Шотландия). 19.50 «Инсон ва қонун». 20.35 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.05 «ВИД таништиради. 00.05 «Менинг Осиём». Телефильм. 00.30 ТСН (сурдо таржимаси билан). 00.45 Профессионаллар ўртасида олти кунлик халқаро велосипед пойгаси. 01.25 «ВИД» таништиради (давоми).

• 7, шанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ассалому алайкум.» 9.00 «Саломат бўлинг!» 9.30 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 10.00 «Қувноқ стартлар». 10.55 Комил Аваз. «Жаҳаннам азоблари». Спектакль 12.35 Ўзбекистон Давлат телерадиосида хизмат кўрсатган хор жамоасининг концерти. 13.00 «Замандас» (қозоқ тилида). 14.00 «Ёлғиз ўзи қувлади». Бадиий фильм, 1-серия. 15.25 Фарғона олий таълим билимгоҳи — 60 ёшда.

18.00 Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 18.55 «Сиҳат-саломатлик». 19.50 «Хотира». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асқар Убайдуллаев. 21.00 «Ҳафтанома». 22.00 «Бузоқ йили». Бадиий фильм.

● **ЎзТВ II**

АШХАБОД КЎРСАТАДИ.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 Мультфильмлар. 8.00 «Ишбилармон кишининг шанба тонги». 9.00 «Ҳайвонот оламида». 9.45 ТСН. 10.00 Тонги дам олиш кўрсатуви. 10.30 «Здоровье. 11.00 «Инсон институти». 11.45 «Бурда моден» таклиф этади...» 12.15 Фигурали учиш. СССР чемпионати. Хотин-қизлар. Ихтиёрий программа. 13.00 «Илҳом манбалари». «Менинг Кижим». Савелий Ямшчиков ҳикоя қилади. 13.30 «Бонг».

14.45 «Янги номлар». Мусиқий кўрсатув. 15.45 Атлетизм. Халқаро турнир. 16.30 Режиссёр А. Калик фильмлари. «Севмоқ». 18.15 Экологик хроника. 18.30 «Рок-сабоқ». 19.35 Кўп серияли мультфильм премьераси. 20.00 «Шаҳризоданинг охирги туни». Бадиий фильм. 22.05 «Петерс-поп-шоу». 23.10 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». 01.40 ТСН (сурдо таржимаси билан). 01.55 Профессионаллар ўртасида олти кунлик халқаро велосипед пойгаси.

• 8, якшанба

● **ЎзТВ I**

8.00 «Ҳафтанома»

9.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Фақат қизлар учун». 9.45 «Устод». Спорт кўрсатуви. 10.20 «Актёрлар ва роллар». 11.35 «Чет тили — халқаро ҳамкорлик воситаси». 12.05 Раъно Анназарова ва Комилжон Раҳимов концерти. 12.35 «Ёлғиз ўзи из қувлади». Бадиий фильм. 2-серия.

18.00 Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Табиат алифбоси». 18.45 Телефильм. 19.00 «Мушоира». 19.50 «Уч, тўрт...» Манзарали фильм. 20.00 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув. 21.25 СССР халқ артисти Наби Раҳимов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча.

● **ЎзТВ II**

БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● **МТ «ОРБИТА IV»**

8.30 Ритмик гимнастика. 9.00 ТСН. 9.20 «Спортлото» тиражи. 9.35 «Сиз яратган боғ». 9.50 «Эрта саҳарлаб». 10.35 «Ватан хизматида». 11.25 «Тонг юлдузи». 12.25 «Саёҳатчилар клуби». 13.25 «Далаларда». Деҳқонлар учун кўрсатув. 14.10 «Можайск қалъаси». Ҳужжатли фильм премьераси. 14.30 «Бир-бирига» (бир-бирига ўхшаш одамлар танлови). Дам олиш кўрсатуви. 15.45 Евпаторияда халқаро болалар театри фестивали. 17.00 Тхеквандо. СССР чемпионати. 17.15 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Даҳшатли нур» (Аргентина). 17.20 «Халқаро панорама». 17.50 Мультфильм. 18.00 «Ҳаёт кузи». 18.15 Эфирда бевосита мулоқот. Украина Президенти. 19.00 Екатерина Шаврина куйлайди. 19.35 «Уолт Дисней таништиради...» 20.25 «Бу жуда зўр-ку, шеф». Телевизион бадиий фильм премьераси 1-серия.

22.05 Фигурали учиш. СССР чемпионати. Эркин рақс. Танаффус пайтида — ТСН (сурдо таржимаси билан). 23.15 Фигурали учиш. СССР чемпионати. Жуфт бўлиб учиш. Эркин программа. 01.50 «Джаз портретлари». «Лидер» ансамбли (АҚШ) 00.10 Профессионаллар ўртасида олти кунлик халқаро велосипед пойгаси.

Барча турдаги хусусий мулкчилик корхоналари раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Янги ташкил этилган «Термиз» кўп тармоқли мол-хом-ашё биржаси корхоналар ва ташкилотларга ўзининг даллоллик (брокерлик) хизматини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳуқуқий ва жисмоний бақувват шахсларга охирги даллоллик ўринларини

СОТАДИ

20 декабрда чет эллик шериклар билан

ДАСТЛАБКИ САВДО-СОТИҚ ИШЛАРИ

ва кўргазмаси ўтказилади.

Омадингизни синаб кўришга шошилинг!

Биз Сизларни чегара яқинидаги Термиз шаҳрида кутамиз.

Биз Сизларни мамнун эта оламиз!

«Термиз» мол-хом-ашё биржаси — Ўзбекистон Республикаси «Тошкент» мол-фонд тижоратгоҳи қарамоғидаги корхонадир.

Манзилгоҳимиз: Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 4-69-07, 4-43-06, 4-65-39.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА ДОРИЛФУНУНИ

кафедралар бўйича

ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШ УЧУН

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

мудирлар: фалсафа; сиёсий иқтисод; Ўзбекистон халқлари тарихи; сиёсатшунослик; ўзбек тили ва адабиёти; маданият тарихи ва эстетика; ижтимоий фанлар; фуқаро мудофааси; радиоэлектроника асослари; электрон техника материаллари ҳамда компонентлари физикаси ва технологияси; электротехник қурилмалар ва тизимларни автоматлаштириш; физика; газ-нефть қувурларини ва газ-нефть омборларини лойиҳалаш ва улардан фойдаланиш; нефть ва газ қудуқларини бурғулаш; саноат экологияси; эксперименталь физика; 3-сон олий риёзиёт; тоғ-кон транспорт машиналари ва тоғ механикаси; фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари; гидрогеология ва муҳандислик геологияси; петрография, петрология ва регионал геология; электр станциялари; электр машиналари; электр юритгич ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш; амалий механика; ҳисоблаш машиналари комплекслари, тизимлари ва тармоқлари; автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари; ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тизимларнинг дастурий таъминоти.

профессорлар: 2-сон олий риёзиёт, геология, фойдали қазилма конлари геологияси ва уларни излаш ҳамда қидириш (0,25); электрон техника материаллари ҳамда компонентлари физикаси ва технологияси (фан доктори); электроэнергетик тизимлари ва тармоқлари; машина деталлари; пайвандлаш ишлаб чиқариш технологияси ва жиҳозлари (фан доктори); металл қирқувчи станоклар ва асбоб-ускуналар; автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари; электр юритгич ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш.

доцентлар; минералогия ва кристаллография; механикавий ишлаш технологияси; машинасозлик технологияси (2); аэрогидромеханика (3); автоматика ва телемеханика; шаҳар ва саноат корхоналарини электр билан таъминлаш (2); чизма ҳандасаси ва машинавий графика; материалшунослик; 3-сон олий риёзиёт (4); механизм ва машиналар назарияси (2); электр станциялари (1,5); электроэнергетик тизимлари ва тармоқлари; энергетика иқтисоди ва уни ташкил этиш; физика (2); материаллар технологияси; металл қирқувчи станоклар ва асбоб-ускуналар (2); электрон машинасозлиги; электрон техника материаллари ҳамда компонентлари технологияси ва физикаси; умумий ва физикавий кимё (5); амалий механика; умумий ва назарий иссиқлик техникаси; электроизоляция ва кабель техникаси; саноат иссиқлик энергетикаси; радио-электроника асослари; эксперименталь ва назарий физика; фойдали қазилма конларини очиқ усул билан ишлаш технологияси ва комплекс механизацияси; геодезия ва маркшейдерлик; геология (5); фойдали қазилма конларини қидиришнинг геофизик усуллари; гидрогеология ва муҳандислик геологияси (2); структурали ва кончилик геофизикаси; эксперименталь физика; машинасозликда иқтисод ва бошқариш (3); 4-сон олий риёзиёт (2); қишлоқ хўжалик машиналари (2); электрон ҳисоблаш машиналари; автоматлаштирилган лойиҳалаш тизимлари; ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тизимларни дастурий таъминоти; робототехник ва ахборот тизимлари (1); техник кибернетика (3); учувчи аппаратлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш; назарий механика; 2-сон олий риёзиёт (2); фалсафа (2); совет ҳуқуқи (ўзбек тилида); сиёсий иқтисод.

катта ўқитувчилар: 2-сон олий риёзиёт (2); робототехник ва ахборот тизимлари; фойдали қазилма конларини ер ости ишлаш технологияси ва комплекс механизацияси; 3-сон олий риёзиёт (3); энергетика иқтисоди ва уни ташкил этиш (2); электр юритгич ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш (ўзбек тилида); физик электроника ва микроэлектрон асбоблари; амалий механика (4); радиоэлектрон тизимларнинг тузилиши ва технологияси; электротехник қурилмалар ва тизимларни автоматлаштириш (2); умумий ва физикавий кимё; меҳнат муҳофазаси; 1-сон олий риёзиёт; гидроэнергетик қурилмалар ва гидравлик машиналар (2); автоматика ва телемеханика; физик электроника ва микроэлектрон асбоблар; электротехниканинг назарий асослари; геодезия ва маркшейдерлик; фуқаро мудофааси, геология (2); нефть-газ қудуқларини бурғулаш; эксперименталь физика; машинасозликда иқтисод ва бошқариш (2); материаллар қаршилиги; қишлоқ хўжалик машиналари; кимёвий машинасозлик; металлар технологияси; техник тизимларда автоматика ва бошқариш; робототехник тизимлар ва комплекслар; электрон машинасозлик; рус тили (4); 4-сон олий риёзиёт (2); чет тиллари (инглиз—1, немис—2, француз—1); маданият тарихи ва эстетика; 2-сон жисмоний тарбия (6); 1-сон жисмоний тарбия (2); фалсафа; тоғ-кон ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш (Олмалиқ шаҳрида ишлаш учун).

Ассистентлар: 2-сон олий риёзиёт (3); аэрогидромеханика (2); самолётлар конструкцияси ва уларни лойиҳалаш; физика (3); электрон техника материаллари ҳамда компонентлар физикаси ва технологияси; гидравлика ва гидротизимлар; 1-сон олий риёзиёт; саноат корхоналари ва шаҳарларни электр билан таъминлаш; электр юритгич ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш; саноат иссиқлик энергетикаси; назарий ва умумий электротехника (2); эксперименталь ва назарий физика; фойдали қазилма конларини ер остида ишлаш технологияси ва комплекс механизацияси; фойдали қазилма конларини очиқ усул билан ишлаш технологияси ва комплекс механизацияси; рангли металлар металлургияси; геодезия ва маркшейдерлик (2); тоғ-кон ва геология қидирув ишларининг иқтисоди ва ташкил этиш; қидирув техникаси; эксперименталь физика; машинасозлик технологияси; металл қирқувчи станоклар ва асбоб-ускуналар; машинасозликда иқтисод ва бошқариш (2) чизма ҳандасаси ва машинавий графика (2); материаллар қаршилиги; ички ёниш двигателлари; машиналар деталлари; механизмлар ва машиналар назарияси; умумий ва физикавий кимё; электрон машинасозлик; ахборотларни ишлаш ва бошқаришни автоматлаштириш тизимлари; ишлаб чиқариш жараёнининг автоматлаштирилиши (2); электрон ҳисоблаш машиналари; ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштирилган тизимларнинг дастурий таъминоти (3); робототехник ва ахборот тизимлари; электрон комплекслари, тизимлари ва тармоқлари (2); техник кибернетика (7) назарий механика; 4-сон олий риёзиёт, фалсафа; сиёсий иқтисод (3); маданият тарихи ва эстетика; совет ҳуқуқи (ўзбек тилида); тоғ-кон ва геологик қидирув ишлари иқтисоди ва уларни ташкил қилиш (Олмалиқ шаҳрида ишлаш учун).

Ўқитувчилар: ўзбек тили ва адабиёти (4); рус тили (5); чет тиллари (инглиз—4, француз—1); 2-сон жисмоний тарбия (2); 1-сон жисмоний тарбия (3).

ХОРИЖИЙ ТАЛАБАЛАР БИЛАН ИШЛАШ КУЛЛИЁТИ

Мудир: рус тили

ХОРИЖИЙ ФУҚАРОЛАР УЧУН ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ

Катта ўқитувчилар: умумтаълим фанлари (2).

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИГА ТАЙЁРЛАШ КУЛЛИЁТИ

Доцентлар: физика (3, шу жумладан кимё курси бўйича—1)

Катта ўқитувчилар: физика (2); тиллар ва ижтимоий фанлар.

Ассистентлар: риёзиёт ва чизмачилик (3) ;физика (7).

Ўқитувчилар: тиллар ва ижтимоий фанлар (4).

ҚАРШИ УМУМТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ

Мудирлар: ижтимоий фанлар, физика-риёзиёт фанлари, умуммуҳандислик фанлари, умуммутахассислик фанлари.

Доцентлар: умуммуҳандислик фанлари.

Катта ўқитувчилар: физика, риёзиёт фанлари, умуммуҳандислик фанлари.

Ассистентлар: физика-риёзиёт фанлари (3), умуммуҳандислик фанлари, ижтимоий фанлар.

Ўқитувчилар: ижтимоий фанлар.

АНДИЖОН УМУМТЕХНИКА КУЛЛИЁТИ

Мудирлар: умуммуҳандислик фанлари, фундаменталь фанлар, ижтимоий фанлар.

АНГРЕН ТОҒ-ЭНЕРГЕТИКА КУЛЛИЁТИ

Мудирлар: умуммуҳандислик фанлари, тоғ-кон фанлари.

Доцентлар: ижтимоий фанлар, энергетик фанлари, кимё ва кимё технологияси (3); олий риёзиёт ва физика (физика фани учун—2)

Катта ўқитувчилар: умуммуҳандислик фанлари (2), тоғ фанлари.

Ассистентлар: олий риёзиёт ва физика.

ОЛМАЛИҚ ТОҒ-КОН КУЛЛИЁТИ

Мудирлар: ижтимоий фанлар; умуммуҳандислик фанлари, бойитилган рудалар ва рангли металлар технологияси ва кимё, ижтимоий фанлар.

Доцентлар: бойитилган рудалар ва рангли металлар технологияси ва кимё.

Катта ўқитувчилар: ижтимоий фанлар, олий риёзиёт ва физика, умуммуҳандислик фанлари (2).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700095, Тошкент шаҳри, Мирошкин кўчаси, 2-уй, 202-хона.

БИЗ БИЛАН ФОЙДАЛИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН!

Агар Сиз хорижий фирма билан шартнома имзолаган бўлсангиз, аммо чет элдаги шеригингизга молни қандай етказиб беришни билмасангиз,

Ўзбекистон Республикаси Автомобиль транспорти вазирлигининг

«ТРАНСИНТОРГ» ТАШҚИ САВДО ФИРМАСИ ТАШҚИ САВДО ЮКЛАРИНИ

барча турдаги транспорт воситалари билан ташиб бериш, юкни кузатиб бориш билан боғлиқ барча ташвишларни, шу жумладан транзит юкларни ташиш билан боғлиқ ташвишларни

ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ.

Биз маҳсулотларингизни экспорт қилиш бўйича ташқи бозорларда сиз учун энг қулай шартлар билан маркетинг ташкил этишга, ташқи савдо битимларини имзолаш ва бажаришда ёрдам беришга тайёрмиз.

Биз шунингдек, фирма ходимлари совет ва чет эл банклари билан ишлаб тўпланган бой тажрибадан фойдаланиб, хориждаги шерикларингиз билан ҳисоб-китоб қилишингизда ёрдам беришимиз мумкин.

«ТРАНСИНТОРГ» ФИРМАСИ

Бундан ташқари совет ташкилотларига халқ истеъмоли буюмларини, чет мамлакатларда ишлаб чиқарилган, янги ва хизматда бўлган турли маркадаги автомобилларни

ХАРИД ҚИЛИШДА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Эркин алмашиладиган валюта билан пул тўланади. Нархларнинг Сизга маъқул бўлишига кафолат берамиз.

Бизнинг «ТОШКЕНТ» Ўзбекистон республикаси универсал мол-хом ашё биржасидаги брокерлик идорамиз хизматидан фойдаланишингиз ҳам мумкин.

ЯНГИ АЛОҚАЛАР, БИЗ УЧУН ҚУВОНЧЛИ ҲОЛ!

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Широкая кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 34-63-76, 34-63-77, 34-63-78, телекс: 116275 TRADE; SU; факс 34-63-77.

«ТРАНСИНТОРГ» ташқи савдо фирмаси.
«СОЮЗРЕКЛАМА» акционерлик жамиятининг «Сарбон» Ўзбекистон реклама агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Н. А. СЕМАШКО НОМИДАГИ ТИББИЙ ҚАЙТА ТИКЛАНИШ ВА ФИЗИКАВИЙ ТЕРАПИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИНИНГ

РЕСПУБЛИКА АНЪАНАВИЙ (шарқ) ТАБОБАТИ МАРКАЗИДА

кардиология, неврология, гастроэнтерология, гинекология, атрология, парҳезшунослик, пульмонология, педиатрия ва ҳакозо соҳалардаги етакчи мутахассис олимлар ССЖИ Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор К. И. ИЎЛДОШЕВнинг умумий раҳбарлиги остида маслаҳат қабулни олиб борадилар. Зарур ҳолларда тўлиқ текширувдан ўтиш тайинланади, тавсиянома ва даволаш йўл-йўриқлари берилади.

Бундан ташқари, касалликнинг турли хил шаклларида саломатликни тиклаш учун анъанавий ва шарқ табобатининг қуйидаги усуллари қўлланиладиган пулли поликлиникалар ва шифохона ишлаб турибди:

нина-рефлекс муолажаси, электр-пунктура, лазер-пунктура, гальванопластотерапия, гемотерапия, йоготерапия, мануал терапия, фитотерапия, оксигенотерапия; парафин-озокерит муолажаси, балчиқ муолажаси, қўл тегизмай уқалаш.

Шунингдек, аппаратли физотерапиянинг замонавий усуллари ҳам кенг қўлланилади.

Муолажалар тадбирларини Республика маркази турли бўлинмаларининг малакали мутахассислари ўтказадилар.

Маслаҳат қабуллари ва амбулатория даволари шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 16.00 дан бошлаб ўтказилади.

Илмгоҳ манзили: 700084, Тошкент шаҳри, Хуршид кўчаси, 4-уй (10, 44, 56, 85, 88-автобусларнинг «Н. А. Семашко номли илмгоҳ»; 2, 22, 27-трамвайларнинг «ВДНХ бекати).

Телефонлар: 34-15-64; 34-30-59.

Бирлашмалар, корхоналар, ташкилотлар, давлат ва жамоа хўжаликларининг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

«АНҲОР» ФИРМАСИГА буюртирилган ускуналарни шошилинч равишда — 1991 йил 31 декабргача олиб кетишларингизни сўраймиз.

Манзилгоҳимиз: Янгийўл шаҳри, Янгийўл райони, Эски Қовунчи, Теъмирлашмеханика заводи. Телефон 73-004 (код 260).

«ГРАНИТ» ЎРТА ОСИЕ ИНГУВ-ТЕХНОЛОГИК БОШҚАРМАСИНИНГ

КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИ

(Тошкент шаҳрида)

Қисқа муддатларда ARCNET ва ETHERNET туридаги маҳаллий ҳисоблаш тармоқларини бозор баҳосида ўрнатиб беради.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 77-35-80, 77-72-52.

ГУРУНГ

• *Шоир ижодхонасида*

МЕНИНГ УЛ МАҲБУБИ ЖОНИМ

— Ниҳояланиб бораётган 1991 йил мен учун анча сермаҳсул бўлди, — деди мухбиримизга таниқли шоир, таржимон ва олим Жамол Камол. — Инглиз тилидан бевосита ўзбек тилига қилган таржималарим — Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет», «Отелло,» «Макбет», «Антоний ва Клеопатра», «Афинолик Тимон» фожиалари «Жаҳон адабиёти дурдоналари» тизимида нашр этилди. Форсийдан ўгирганим Умар Хайём, Абу Али ибн Сино, Адиб Собир Термизий, Шайх Нажмиддин Кубро, Абдулло Ансорий, Ҳаким Саноий, Жалолиддин Рўмий, Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил рубоийларидан намуналар «333 рубоий» номи остида босилди. Яна инглиз тилидан этган таржималарим — «Муҳаммад пайғамбар қиссаси», «Мусо пайғамбар қиссаси», «Исо пайғамбар қиссаси», «Будда қиссаси» «Сирли олам» ойномаси саҳифаларида чоп этилди. Тожик ёзувчиси Сотим Улуғзоданинг «Фирдавсий» романи менинг таржимамда босмага туширилди.

Булар — таржималар, хўш аслияти-чи, дерсиз...

Рўзнома ва ойномаларда турли долзарб мавзуларга бағишланган талай мақолаларим босилиб чиқди... Кейин... ғазаллар ёздим ва ёзяпман Уларни йиғиб, «101 ғазал китоби» қилиш ниятим бор. Ҳамир учидан патир, дегандек, бугун янги ғазаллардан айримларини азиз ўқувчилар эътиборига ҳавола этаман...

Жамол КАМОЛ

БИЛМАСЛАР

Ватансиз кимсалар юрту
ватан қадрини билмаслар,
Маконсиз қарғалар боғу
чаман қадрини билмаслар.

Адабсиз қайданам билсин,
ахир, лутфу назокатни,
Қамишзор қушлари ул
ёсумон қадрини билмаслар.

Фиғонким, танпарастлар
билмагайлар руҳи олийни,
Эссизким, руҳпарастлар
гулбадан қадрини билмаслар.

Жаҳонда кимки инсондир,
йиғилди, анжуман бўлди,
Кўринг, бу ношукурлар
анжуман қадрини билмаслар.

Масал борким, бухоролик
қадр топмас Бухорода,
Мақол борким, яманиклар
Яман қадрини билмаслар...

Жаҳоннинг бойидирман, чунки
бир йиртиқ чопоним бор,
Кафанга етмагунча то
кафан қадрини билмаслар.

Жаҳонгирлар бугун арқон
эшарлар бизга деб, тонг йўқ,
Уларнинг наздида қуллар
кишан қадрини билмаслар...

Жамол, бозорга кирдинг бас,
нечун сенга суханварлик!
Бу бозор аҳлидир барча,
сухан қадрини билмаслар...

БУ ЮРТНИНГ...

Бу юртнинг бошига етган
бало асло бахилликдир,
Бахиллик бўлса ҳар ерда
низодир, ноаҳилликдир.

Низову ноаҳиллик оқибат
Туронни чўктирди,
Шунинг-чун қадди долдир,
рангида доим заҳилликдир.

Харобат истагинг эрса,
бориб кўр Кўҳна Урганчни,
Хароботмас, жаҳоннинг
иллатига бир кафилликдир.

Бухоро — гумбази ислом
йиқилди, анжуман бўлди,
Қачон боқсанг, муборак
чехрасида бир ҳазинликдир.

Қўқоннинг бошига тушган
фалокатларни жам этсанг,
Касофатпешаларга этганинг
эшлик, яқинликдир...

Бу гаплар бизга етмасми,
сабоқ ўрнига ўтмасми,
Нечун бир иш қилар бўлсак,
жаҳолатдир, жоҳилликдир!

Жаҳл келса, ақл қочгай,
демишлар барча донишлар,
Жаҳлнингмас, ақлнинг илдизи
бирлик, аҳиллиқдир...

Жамол, ким юрт талашмоқ —
Юрт бўлишмоқни шиор этса,
Дегилким, бу қабоҳатдир,
касофатдир, разилликдир..

БУ ЮРТДАН...

Бу юртдан бош олиб бир кун
кетай дерман, кетолмасман.
Бу соҳилдан у соҳилга
ўтай дерман, ўтолмасман.

Бу соҳилдан у соҳил ўртаси
оламча манзилдир,
Узимни итқитолмасман,
қулоч отсам, етолмасман...

Бошимда бўйла бир савдо,
қошимда бўйла бир ғавғо,
Бу ғамларни яна ичга
ютай дерман, ютолмасман.

Анисим — тош каби болиш,
ичимда ўтли бир нолиш,
Бу болишда бу нолишдан
узун тунлар ётолмасман...

Фалак менга ситам этди,
бошимга тошлар иргитди,
Бу тошларни фалакка
иргитай деб, иргитолмасман.

Узим очдим эшикни,
марҳабо, деб беҳаёларга,
Узим энди эшикни
беркитай, деб беркитолмасман.

Келарму юртга истиқлол —
менинг ул маҳбуби жоним,
На сабру на қарорим бор,
кутай, дерман, кутолмасман.

Сени, жоним, ҳаво дерлар,
Жамолга нораво дерлар,
Раво бўл ошиғингга,
йўқса, оламдан ўтолмасман...

КЎНГИЛ, ЎРТАНМА, ҚЎЙ...

Кўнгил, ўртанма, қўй, бу
нотавонларга керак эрмас.
Ачинма нафси деб —
овора жонларга, керак эрмас...

Адолат ихтиёр этдинг,
ҳақиқатни шиор этдинг,
Адолат ҳам ҳақиқат —
устомонларга керак эрмас...

Оғоч эрмиш жаҳон, сен —
унда унган бир яшил япроқ,
Яшил япроқлигинг —
барги хазонларга керак эрмас.

Жаҳоннинг ҳирсига тўлма,
ва кўкси ногирон бўлма,
Муҳаббат шавқи кўкси
ногиронларга керак эрмас.

Ёнар бўлсанг, ғуборсиз ўт —
бўлиб ён, парча оташ бўл,
Тутаб ёнма, тутунлар
осмонларга керак эрмас...

Керакдир базмаро ул яхшиларга
илтифот такрор,
Ва лекин илтифот биздек
ёмонларга керак эрмас.

Жамол қадринг ошиб, гарчи
бугун тупроққа етмишсан,
Дема бу нуқтани, бу —
нуқтадонларга керак эрмас...

ХОРИЖЛИК ВАТАНДОШЛАРГА

Келибсиз она юртга, марҳабо,
фарзона юргайсиз,
Қадамлаб, ҳар қарич тупроғини
кўзларга сургайсиз...

Гаҳи ҳижрон ғамин сўзлаб,
гаҳи бир бўтадек бўзлаб,
Қариндош акраболар қошига
елдек югургайсиз...

Қадрдон гўшаларга термулиб
ҳам хўрсиниб гоҳи.
Чинорлар соясида чой ичиб,
бир дам ўтиргайсиз.

Гаҳи Тошкент аро сайрон,
Гаҳи Фарғонага ҳайрон,
Гаҳи шод, гаҳида гирён —
Туғишган элни кўргайсиз.

Самарқандга шитоб айлаб,
Бухорони тавоф айлаб,
Гаҳи Урганч, гаҳи Сурхон
томонга йўлни бургайсиз...

Кўринди элга истиқбол,
шу мазлум юртга истиқлол,
Курашлар, жабҳаларда —
биз билан бир сафда тургайсиз.

Мадина, Макка, Истанбулда мен
аҳволингиз сўрдим,
Ватанда вақт топиб гоҳи
Жамол ҳолини сўргайсиз...

НЕЧУК БУ ГАПГА КЎНГАЙМАН...

Азалнинг буйруғи шул деб,
нечук бу гапга кўнгайман!
Агар кўнсам, шамолда шам каби
йўлларда сўнгайман.

Шамолда шам каби сўнгум,
дема, эй, ғофили даврон,
Уларман, кул бўларман, бир уюм
тупроққа дўнгайман...

Уларминш, кул бўлармиш деб,
суюнма, душманим, эвоҳ,
Ўзим айтиб бу сўзларни
ўзим ортиқ ўкингайман.

Бу тупроқда чинорим бор,
чинорим — устиворим бор.
Наҳот бир силтанишда
дарз кетарман ёки сингайман!

Тиларман мақсади олий,
замонлар зайлидан холий,
Тинимсиз салпиниб, балким,
фано даштида тингайман...

Фано даштида ҳам мен
ётмагайман сокину собит,
Худога илтижо айлаб,
боболарга юкингайман...

Азалнинг буйруғига қасдма-қасд
шундай қарорим бор:
Муқаррар тош ёриб бир кун,
Темур тоғида унгайман...

Жамол, унда гулинг сўлмас,
камолда камлигинг бўлмас,
Тузук тузмоққа дунёда
қаламни қайта йўнгайман...

• *Қадриятларимиз*

ДИЛ ТОРТАР МАСКАН

Фарғона вилоятининг энг кўҳна ва кўркам шаҳарларидан бўлмиш Қўқонни шоирлар ва санъаткорлар шаҳри деб бежиз айтишмайди. Азалдан шу шаҳарда туғилган ҳар кимса санъат ва адабиёт билан шуғулланмаса, дам олиш пайтларида чолғу чалмаса, ашула айтмаса, ҳеч бўлмаса зўр пайрови йиғинларига — аскияга қўшилмаса, айниқса хотин-қизлари рақсда қатнашмасалар, дам олгандай бўлмайдилар. Шу боисдан ҳам шаҳар аҳлининг кўпчилиги бирор санъатда ўзини кўрсатмаса хумор қилиши шундан. Мана шу хуморни ёзиш учун улар кўпинча санъат уйлари бағрига бориб турадилар ва ҳузур қилиб дам олишга интиладилар.

Яқинда Қўқоннинг ғарбий қисмига жойлашган улкан корхона — ёғ-мой комбинатининг ишчилари учун катта дам олиш маскани — маданият уйи қурилди. Бу ерда ишлар шу қадар режали ва қизғин бораётганлиги туфайли унинг ишчиларигина эмас, атрофидаги айрим завод ва фабрикаларнинг меҳнат аҳли ҳам бўш вақтларини мазкур масканда ўтказишга одатланиб қолишди.

Шаҳарнинг барча завод, фабрикалари ва катта-катта корхоналари қошида ҳам шунга ўхшаш дам олиш манзиллари бор, аммо улардан бу масканнинг катта фарқи бор. Чунончи корхона қучоғига Қўқон ва унинг атрофидаги яқин ва узоқ ноҳияларда ном чиқарган қўшиқчилар, созандалар ва сўзамол аскиячилар йиғилган. Ҳордиқ чиқармоқчи бўлган кишилар Ҳамроқул Қори, Маъмуржон Узоқов, Эрка Қори, Жўрахон Султоновларнинг ёқимли овозлари билан садоланган қўшиқларидан жон деб баҳра олишлари мумкин. Айниқса қўшиқларга жўр бўлган танбур, дутор, рубобларнинг садолари ҳам чарчоқларга ором беради.

Машраб, Муқимий, Фузулий Фурқат, Мискин, Хазиний, Чокар, Собир Абдулла, Чустий каби шоирларнинг қаламига мансуб гўзал ғазаллар Қўқон санъати аҳли ижодида чинакам сайқал топади.

Камина ҳам халқ ҳофизлари ҳисобланган Ҳамроқул Қори, Расул Қори, Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов ва Эрка Қори шогирдларидан бир қанчасининг қўшиқларини тинглаб роҳатланиб дам олдимки, булар менинг назаримда шаҳар санъат аҳлининг фусункор оламини намоён этади. Отамирза, Кенжабой, Турдиали, Турғунбой, Эргашали, Одилжон акаларни мана шу бемасофа қўшиқлар дунёсининг сарбонларига қиёс қилгим келди. Шулар қаторида Мавлон Қурбонов, Мамадали Аъзамов, Тўхта Алижон ўғли, Инъомжон Ҳожимат ўғли каби ёшлар ҳам борки, улар эгаллаган санъатни кўриб келажагимиз етук ҳофизлари бўлиб парвоз қилишларига бемалол умид қилса бўлади.

Масалан, Отамирза аканинг суяги йиғитлик чоғидан деҳқончилик билан қотган бўлса, Инъомжон Ҳожимат ўғли рассомлик ва машшоқлик касби билан Қўқон мактабларида қанчадан-қанча шогирдларга сабоқ берган. Одилжон эса, ота касбини эгаллаган, у таниқли пичоқчи сифатида ҳам донг таратган. Бозор бошида кичик дўконча қуриб рўзғор учун керак бўлган буюмларни чархлайди, ўткирлаштиради, у ҳар куни дам олиш дақиқаларини эса ўз корхонаси ҳисобланган мана шу дўкончани қўшиқ, танбур садолари билан мунаввар қилиб ўтказади.

Одилжоннинг сафоли дам олиш фурсатларида шахсан мен ҳам топқирлар қаторида суҳбатда гурунглашганман, шундай гурунглар ҳофизлар ва ва аскиячиларсиз ўтмайди. Айниқса, ҳурмат учун ёзиб қўйилган дастурхон устида писта, бодом, узум, ёнғоқ, қатлама, патир, сомсалар ва бир луқмадан бўлса ҳам зиғир мойида дамланган паловнинг дастурхонга қанчалик файзу тароват киритишини алоҳида таъкидламоқ даркор.

Маданият уйига бир гуруҳ аскиячилар ҳам тўпланган, уларнинг сўз пайровлари ҳам комбинат ишчиларининг яхши дам олишларига мосланган. Айниқса, Муҳаммаджон Шарипов, Ҳусанжон Толипов, Олимжон Исоқовлар ва уларнинг шогирдлари пайровларини ҳамма завқ-шавқ билан қаршилайди.

Энг аҳамиятлиси шундаки, бу ерга йиғилган санъаткорлар пул ишлаш учун ўйинлар кўрсатмайдилар, қўшиқлар айтмайдилар, улар ўз ўйинлари, қўшиқлари билан, меҳнат аҳлига чин садоқат билан хизмат қиладилар. Эл завқланса, улар ҳам завқланадилар.

Қўқон ёғ-мой комбинати маданият уйида кўрганим бу тартиботлар ва санъаткорларнинг жўшқин фаолиятлари мени ҳам мафтун этди. Қани энди мустақил жумҳуриятимизнинг ҳамма маданият уйлари, санъат саройларида ҳам иш худди шу тартибда олиб борилса экан, — деган орзуни туғён урдирди.

Бу ерда мен яна шуни айтмоғим даркорки, маданият уйига беқиёс санъаткорларни йиғиб, чин садоқат билан раҳбарлик қилаётган Одилжон Ориф ўғли ҳамда Маҳаммадали Ҳайдар ўғилларига ташаккур айтмоқ ҳам жоиздир.

Насрулло ДАВРОН,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси, хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ТАНДИР ТЎЛА ЁПИЛДИ НОН.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

• 64 катак сири

ПИЁДА ЮРГАН АФЗАЛ

Ўз муваффақиятларидан қониқмаслик фақат руҳан заиф, иродасиз кишиларгагина эриш туюлиши мумкин. Ҳормай меҳнат қилишга ўрганиб қолган, ҳаётда ўз йўлини мустақил қурадиган, бу соҳада «қандайдир бир олий мартабали тоғаси»га суянмайдиган кишилар боксчиларга хос очиқ жанг қиладилар. Шу боисдан ҳам улар ҳаётда жуда кўп нарсага эришадилар, одамлар ўртасида обрўга эга бўладилар, ёлғиз қолган вақтларида ҳам улар ўз виждонларига тик боқа оладилар. Бунга эришиш учун биринчи навбатда киши ўзига нисбатан ниҳоятда талабчан бўлиши керак, яъни сўз санъаткори Афзалиддин Ҳоқоний (XI—XII асрлар) таъбири билан айтганда:

Бир вазир бўлиб
эгри юрмоқдан —
Бир пиёда бўлиб
юрган афзал.

Катта спортда эришилган муваффақиятлар билан мақтаниб яшаш мумкин эмас. Ҳаракатсизлик — кўп нарса йўқотишга: йўқотиш — қолоқликка, қолоқлик эса — ўйиндан чиқиб кетишга олиб келади. Ҳа, инсон ўзига ўта талабчан бўлгандагина кўп нарсаларга эриша олади...

Қомусий билимларга эга бўлган олим, шоир ва замонасининг тенги йўқ шатранж, яъни шахмат устаси Ас-Сулийнинг ёзишича (X аср) Аббосий халифалар шатранжни севганлар ва шахмат ўйновчиларини илғор кишилар қаторига қўшганлар. Дарҳақиқат, ўрта асрларда ҳам Шарқ зиёлиларининг маданият машғулотларидан бири шахмат бўлган, кучли шахматчилар шуҳратга сазовор этилганлар. Уларга санъаткор, деб қаралган. Навоий замонида ҳам шундай бўлганлиги улуғ шоир асарларида тасвирланган. Шунингдек, машҳур тарихчи Хондамир (XVI аср) бир асарида: «...Али Табризий шатранж илмидан шу қадар воқиф эдики, бошқалар уни устод деб билардилар. Ҳатто ғойибона (тахтага қарамай) ҳам зўр ўйнарди. Амир Темур мажлисларида у ҳамиша ўйнарди», деб ёзади. Бу, шахматнинг ниҳоятда қадимги спорт турларидан бири бўлганлигидан, ўша даврлардаёқ илм ва санъат даражасига кўтарилганидан далолат беради.

Шахмат , бўйича жаҳон чемпиони деган унвон ҳамиша фавқулодда истеъдод маъносида шон-шуҳратга бурканиб келган. Бу бежиз эмас. Тождор бўлишга ёркин талантидан ташқари, яна юксак ақл-идрок, туғма характерга эга ва шижоати зўр бир нечта ноёб сиймолар ҳам мушарраф бўлишган. Улар атиги ўн учта холос...

Биз бундан кейинги суҳбатларимизда қадимий шатранжимиз тарихи ва зўр шахматчилар ҳақида қисқа-қисқа ҳикоялар қилиб борамиз, уларнинг ижодидан намуналар ҳамда шахмат оламида юз берган ҳангомаю саргузаштлар билан таништириб, вақти келганда масала ва этюдлар ечиш бўйича танловлар ўтказиб турамиз. Сиз азизлардан келадиган мактублар асосида бошқача мавзуларга ҳам эътибор бериб турамиз, албатта.

Энди қуйидаги масалани ечиб кўринг.



Оқлар бошлаб, 2 юришда мот қилади.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

СИЗДА ҚАНДАЙ ЯНГИЛИК БОР?

АНДИЖОН ОЙНАИ ЖАҲОНИ

Андижонда биринчи «ойнаи жаҳон» кўрсатуви 1962 йили бошланган эди. У бир йилгина умр кўрди, холос.

Кейин айрим сабабларга кўра тўхтатиб қўйилди. Йигирма тўққиз йиллик танаффусдан сўнг Андижонда яна «ойнаи жаҳон» кўрсатуви тикланди. Бу ошкоралик ва демократиянинг шарофатидир.

Андижон «ойнаи жаҳони» вилоят аҳолисининг тарихи, ўтмиш маданияти, миллий қадрияти ҳақида, вилоят ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиликлар ҳақида ҳикоя қилиб боради. Вилоят «ойнаи жаҳони» ҳар жуме куни Узбекистон кўрсатувига қадар бир соат эшиттириш беради. Кейинчалик кўрсатувлар ҳажми кенгаяди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

РЎЗНОМА КОРХОНАСИ

«Ленин йўли» район рўзномаси қарийб уч йил 30 чақирим узоқликдаги Шеробод босмахонасида босилди.

Рўзнома раҳбарияти ўзлари учун кичик корхона сифатида босмахона қуриб олишга жазм этди ва вилоят матбуот бошқармасининг ёрдами билан бу ишнинг уддасидан чиқди. Муҳаррир айни пайтда „босмахона директори ҳисобланади.

— Муҳарририятнинг жорий ҳисоби ўзига яраша мўмай бўлиб қолди, — дейди муҳаррир С. Омонтурдиев. — Янги йилдан ишчиларимиз ва ижодкорларимизнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун кўпгина тадбирларни амалга оширишни кўзлаяпмиз.

О. УСАНОВ,
«Узбекистон овози» мухбири.

ФАЛОКАТ ОЁҚ ОСТИДА

ЁКИ БЕПАРВО БЎЛМАНГ

Ўтган йилнинг 31 декабри куни содир бўлган бир фалокат ҳамон эсимдан чиқмайди. Янги йил яқинлашиб келмоқда. Абдурасул эрталаб автомашинасида ишлаш учун йўлга чиқди. У автокооператив аъзоси эди. Кун бўйи ишлаб чарчади, кечқурун Самарқанд шаҳридаги темир йўл шоҳбекатида бир йўловчи «Тошкентга олиб бориб қўйсангиз яхшигина тўлайман», — деди. Бир неча дақиқа ўйлаб турди, «мўмайгина» пулни кўз олдига келтирди-ю, чарчагани ҳам эсидан чиқиб таклифга дарров рози бўлди. Орадан 4 соатча вақт ўтар-ўтмас улар Тошкентда бўлдилар. Тошкент автовокзалида Самарқандга кетувчи йўловчиларни пойлаб қарийб бир соатча туриб қолди. Ниҳоят, унинг ёнига бир аёл келиб: «Ука, самарқандлик бўлсангиз керак, бизни ола кетинг» — деди. Улар кира ҳақини келишиб олишгач, йўлга чиқишди. Жиззахдан ўтганларидан сўнг қор ёға бошлади, лекин «Жигули»нинг ичи иссиққина бўлгач, йўловчилар аллақачон ухлаб қолишганди. Машина эса шиддат билан олға интилар, ҳайдовчини ҳам ширин уйқу элтарди. Жомбой районидаги ҳудудига келганда уйқу ўз кучини кўрсатди. Рўпарадан келаётган «КамАЗ» ҳайдовчисининг ҳам фалокатнинг олдини олиш бўйича кўрган чора-тадбирлари фойда бермади... Орадан бир кун ўтгач, яна беш кишининг кўмиш маросими ўтказилди, улар орасида 10 ёшли бола ҳам бор эди...

Тажрибадан маълумки, ярим тундан, эрталабгача бўлган даврда транспорт воситаларини бошқариш ўта хавфли ҳисобланади. Чунки кун бўйи ишлаб чарчаш ва уйқуга мойиллик ҳайдовчига кучли таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам кўплаб фалокат содир бўлади.

Кечаси транспорт воситаларини ўта чарчаганлик оқибатида бошқариш жараёнида йўл шароити ҳайдовчига «қўша» кўринади. Шунда дарҳол транспорт воситасини тўхтатиб дам олиш керак. Чунки ҳайдовчига ўз кучини тиклаш учун фақат уйқу ёрдам беради, холос. Акс ҳолда турли хил фалокат рўй бериши турган гап.

Кечаси рулда чарчаб, ухлаб қолмаслик учун ҳайдовчи узоқ рейса чиқишдан олдин камида 7—8 соат ухлаб олиши керак. Йўлда юриш жараёнида ҳаракат суръатини вақти-вақти билан ўзгартириб туриши ҳам лозим. Пастроқ оҳангда музика эшитиш, ҳамроҳи билан суҳбатлашиш уйқунинг олдини олишда ёрдам беради. Энг яхшиси, қуритилган мева, қурт, қотган нонни чайнаш, яхши таъсир кўрсатади. Агарда булар ҳам ёрдам бермаса, ҳар қандай шошилинч иш бўлсада транспортни тўхтатиб, кабинани шамоллатиш, машинадан тушиб тез-тез юриш, югуриш ва жисмоний машқлар бажариш лозим.

Кейинги пайтларда ҳайдовчилар уйқуни келтирмаслик учун турли хилдаги цитрамон, пенталгин, кофеин, кодеин, аскофен каби дориларни тез-тез истеъмол қилишлари қулоққа чалинадиган бўлиб қолди. Тўғри, бу дори-дармонлар қандайдир муддатга чарчашни, уйқуни, бош оғриғини йўқотишга ёрдам беради. Лекин уларни доимий равишда истеъмол қилиш шу воситага ўрганиб қолишликка олиб келади. Шу билан бирга аччиқ чой ва кофе ҳам жуда қисқа вақтга уйқунинг олдини олишга ёрдам беради, холос.

Яхшиси, тўхтаб бир пас мизғиб олинг. Шундан кейингина ҳаракатни давом эттирсангиз, оила ва бола-чақаларингиз олдига соғ-омон борасиз.

Анвар НАЗАРОВ,
Республика ички ишлар вазирлиги давлат автомобиль назорати бошқармаси ходими, милиция капитани.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-31, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-88-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Узбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 6121.

№232.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. Босишга топшириш вақти—21.00 топширилди—24.00. Узбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.